

Андижон вилояти ҳокими Шухратбек Абдураҳмоновнинг 2014 йил 9 май -
Хотира ва қадрлаш куни умумхалқ байрами муносабати билан
ўтказиладиган тантанали маросимда сўзлаган табрик
С Ў З И

Ассалому алайкум, азиз юртдошлар!

Қадрли фахрийлар ва ҳурматли меҳмонлар!

Бугун жаннатмакон диёримизда 9 май - умумхалқ байрами. Дунёдаги яхши ниятли, тинчликсевар инсонларнинг иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабасига 69 йил тўлди.

Шу муносабат билан Сиз - ҳаммамиз учун улуғ ва табаррук бўлган азизларни, Сизлар орқали вилоятимизда яшаётган барча уруш қатнашчиларини, Ватан озодлиги йўлида қон кечган, аммо бугунги фаровон кунларимизга етиб келолмаган инсонларнинг яқинлари, зурриётларини, барча Андижон аҳлини вилоят ҳокимлиги номидан қизғин табриклашга ва муборақбод этишга ижозат бергайсизлар!

Ҳаммамиз учун энг улуғ ва энг азиз бўлган мустақиллигимиз шарофати, муҳтарам Президентимизнинг ташаббуси билан 9 май - Хотира ва қадрлаш куни, умумхалқ байрами сифатида мамлакатимизда кенг нишонланиб келинмоқда.

Биз ҳар гал бу улуғ байрамни нишонлар эканмиз, биринчи галда ўтганлар руҳини шод этишни инсоний бурчимиз, деб ҳисоблаймиз ва бу борадаги ҳайрли, савобли ишларимиз мазмун-моҳиятини тобора бойитиш ҳаракатида бўламиз. Чунки, Хотира ва қадрлаш халқимизнинг энг улуғ фазилатларидандир.

Ўзини, ўз юртининг ўтмишини, тарихини билмайдиган, хотирасида сақламасдан яшайдиган одам зотини тасаввур қилиб бўлмайди. Қисқача қилиб айтганда, Хотира - барчамизнинг қон-қонимизга сингиб кетган муқаддас туйғудир. Ўтганларни ёдга олиш, уларнинг руҳини пок сақлаш ҳамиша эзгу анъана ва одатга айланиб қолган.

Азизлар! Иккинчи жаҳон уруши, унинг жароҳатлари ҳали вилоятимиз аҳли хотирасидан ўчгани йўқ. Кўпни кўрган, жафокаш юртдошларимиз бу урушда асл фарзандларидан, оиласининг таянчи ва суянчиғи бўлган қанчадан-қанча навқирон ўғлонларидан жудо бўлганлигини ҳеч қачон унутиб бўлмайди. Ўша машъум уруш жангоҳларида вилоятимиздан 98 минг нафарга яқин мард, эр йигитлар қўлига қурол олиб қатнашдилар. Уларнинг 44 минг нафардан зиёди жанг майдонларида қурбон бўлдилар.

Бугун ана шу урушда жасорат кўрсатиб, ҳалок бўлганлар, фронт ортида кечани кеча, кундузни кундуз демай меҳнат қилган матонатли инсонларнинг азиз хотираси олдида бош эгиб таъзим қилмоқ барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир. Юртимиз озодлиги учун жангу жадалларда ҳам андижонликлар ўзларини кўрсатганлигини алоҳида таъкидлашни истардим.

Ойимлик Қўчқор Турдиевнинг бу урушда Ўзбекистондан чиққан биринчи қаҳрамон бўлганлиги ҳаммамизга ғурур бағишлайди. Юртдошларимиздан Ғуломжон Ёқубов, Йўлдашали Эргашев, Неъматжон Ҳакимов, Тўхтасин Мирзаев, Абдулазиз Йўлдошев, Усмон Якубов ва Ғулом Ёқубов каби ўнлаб, юзлаб қаҳрамонлар ўзбек халқининг ватанпарварлигидан ёрқин намуна сифатида тарихнинг ўчмас саҳифаларидан жой олганлар.

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич Каримов айтганларидек, **“Тарихий хотира - бу, аввало, ҳаёт музмунини, авлодлар ўртасидаги ворислик туйғусини англаш демакдир. Узоқ-яқин ўтмишда содир бўлган воқеа-ходисалардан бугунги ва эртанги кун учун зарур сабоқ ва хулосалар чиқариб яшаш демакдир. Ўз болалари ва авлодларига, уларнинг онгу шуурига аждодлар руҳига ҳурмат ва эҳтиром туйғуси билан яшашни сингдириш демакдир”**.

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида” қабул қилган фармониға мувофиқ уруш қатнашчиларига 600 минг сўмдан пул мукофоти берилганлиги Сизларға бўлган юксак ҳурмат ва эътиборнинг ифодасидир.

Вилоятимизда ҳар бир фахрийнинг ҳаётини музmunли қилишга, умрини узайтиришга қўлимиздан келганича ҳисса қўшиш, уларға нафақат мана шундай байрам кунларида, балки ҳар куни, ҳар соатда ғамхўрлик ва меҳрибонлик кўрсатиш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз эканини унутмаслигимиз керак.

Бу бизнинг инсонийлик, фарзандлик бурчимиз бўлиб, мададга муҳтож, кам таъминланган хонадонларға кириб, ҳар биридан ҳол сўрайлик, Юртбошимизнинг ғамхўрлигини етказайлик.

Қадрли дўстлар!

Хотира ва қадрлаш байрамининг яна бир муҳим жиҳати ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. Ўсиб келаётган ёш авлод истиқлолимиз тарихини чуқур ўрганиши, бундай кунларга осонлик билан эришилмаганлигини тушуниб англаши зарурлигини ёдимиздан чиқармайлик.

Эртанги кунимиз ёшлар қўлида. Уларни қўллаб-қувватлаш, уларга ишонч билдириш зарур.

Шу маънода бугун нишонланаётган Хотира ва қадрлаш кунининг мазмун-моҳиятини, яъни ўтганларни эслаш, ҳаёт бўлганларни қадрлаш, Ватанни ҳимоя қилиш, уни дахлсиз сақлаш каби олижаноб фазилатларни ёш авлодимизнинг онгига сингдириш катта аҳамиятга эга.

Фарзандларимиз кимнинг авлоди эканлигини яхши англаб, ота-боболаримизнинг жасоратидан ибрат олиб, юртимизнинг осойишталигини сақлашга, тинчликнинг қадрига етишга камарбаста эканликларини амалда кўрсатишлари лозим. Бунинг учун биз раҳбарларнинг зиммамизда, қолаверса Сиз улуғларининг зиммаларингизда жудаям масъулиятли жавобгарлик ҳисси турибди.

Фурсатдан фойдаланиб, вилоятимизда истиқомат қилаётган барча фахрийларни байрами билан яна бир бор муборакбод этаман.

Барчамизга мана шу табаррук айём қутлуғ бўлсин! Хонадонларимиздан файз-барака, юртимиздан тинчлик-хотиржамлик аримасин!

Эътиборингиз учун раҳмат!